



ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ВА УНИНГ МАЪМУРИЧИЛИГИНИНГ МАМЛАКАТ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

Бўтаев Ўткир

Тошкент Кимё халқаро университети

мустақил изланувчиси

Аннотация: Ушбу тезисда қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ва унинг маъмурчилигининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги аҳамияти таҳлил қилинган. Тадқиқотда ҚҚС маъмурчилигининг самарадорлиги солиқ интизомини ошириш, солиқ базасини кенгайтириш ва маъмурий харажатларни минималлаштириш орқали иқтисодий фойдани максимал даражада таъминлаш зарурлиги қайд этилган. Шунингдек, ҚҚСнинг бизнес циклларига таъсири, унинг макроиқтисодий барқарорлаштирувчи сифатидаги роли ҳамда фискал сиёсатдаги стратегик аҳамияти ёритиб берилган.

Кириш

Глобал иқтисодиётда ресурслар чекланганлиги, технологиялар тез суръатларда ривожланиши ва халқаро рақобатнинг кучайиши давлатлардан самарали ва мақсадли фискал сиёсат юритишни талаб этмоқда. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг асосий манбалари сифатида турли солиқ турлари мавжуд бўлиб, улар ичида ҚҚС алоҳида ўрин эгаллайди. Хусусан, сўнги бир неча ўн йилликда қўшилган қиймат солиқ механизми бу борада давлат қўлидаги энг таъсирчан восита сифатида ўзини кўрсата олди. Бугунги кунда ушбу солиқ 170



дан ортик, айнан қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) эса 149 га яқин мамлакат¹ солиқ тизимининг асосий таянчларидан бири сифатида бутун дунё бўйлаб солиқ тушумларининг ўртача 20 фоизини ташкил қилиб келмоқда².

ҚҚС ишлаб чиқариш занжиринининг ҳар бир босқичидаги қўшилган қийматни солиққа тортишга асосланганлиги унинг самарали механизми нафақат ушбу солиқ тушумини балки даромад ва фойдани солиққа тортишга асосланган бошқа солиқларнинг фискал салоҳиятини ошириш имконини беради. Шу сабабдан солиқ сиёсати ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий омили бўлган глобал иқтисодиётда қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) даромадларни шакллантириш, иқтисодий барқарорлик ва адолатли ўсишни таъминлашда таянч фискал инструмент сифатида намоён бўлади.

Аммо, бугунги глобаллашиб тез ўзгариб бораётган жаҳон иқтисодиётида ҚҚС ва унинг маъмурчилигининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги роли тобора мураккаб ва нозик бўлиб бормоқда. Мамлакатлар технологик бузилишлар, иқлим ўзгариши ва ижтимоий тенгсизлик каби муаммоларни енгиб ўтишга интилаётган бир пайтда, ҚҚС ушбу долзарб муаммоларни ҳал қилиш учун қўлланилиши мумкин бўлган кўп қиррали восита сифатида намоён бўлади. Рақамлаштириш, маълумотлар таҳлили ва хавф-хатарга асосланган мувофиқлик стратегиялари каби ҚҚС маъмурчилиги инновацион ёндашувларни қўллаш орқали ҳукуматлар барқарор ўсиш ва ривожланишга йўл очиб, солиқ тизими самарадорлигини ошириши мумкин.

ҚҚСнинг мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ўрни борасидаги назариялар унинг икки асосий таъсирини алоҳида кўрсатади. Биринчидан, ҚҚС механизми узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлашда керакли соҳаларга киритиладиган инвестициялар учун бюджетни етарлича даромадлар билан таъминлаш имконини яратади. Иккинчидан, қисқа муддатли

¹ Tax news. URL: <https://taxnews.ev.com/news/2023-0631-worldwide-vat-gst-and-sales-tax-guide-2023>

² Tax foundation. URL: <https://taxfoundation.org/data/all/global/oecd-tax-revenue-2022/>



шокларни олидини олиш ва (ёки) юмшатишда автоматик фискал стабилизатор вазифасини бажарадади.

ҚҚСнинг узок муддатли иқтисодий ўсишга таъсири борасидаги қарашларни таҳлил қилишда узок муддатли иқтисодий ўсиш борасидаги бир қатор назариялар мавжуд бўлиб, Р. Солоунинг иқтисодий ўсиш модели кенгрок таҳлил қилиш имконини беради.

Иқтисодий ўсиш даражаси мамлакатнинг ЯИМнинг ўсиш суръати билан белгиланишини ҳисобга оладиган бўлсак, уни ҳисоблашда асосий уч усул бўлиб, макроиқтисодий таҳлилларда асосан харажатлар усудан фойдаланилади. Бу қуйидагича ҳисобланади:

$$Y = C + I + G + NX \quad (1)$$

бу ерда, Y – ЯИМ, C – истеъмол харажатлари, I – инвестиция харажатлари, G – давлат харажатлари, NX – соф экспорт.

Ушбу компонентлар ичида энг катта ҳиссага эга бўлгани истеъмол харажати бўлиб, ўрта ҳисобда ЯИМнинг учдан бир қисмини ташкил қилади. ҚҚС истеъмолни солиққа тортишқа асосланганлигини, ўз навбатида, ялпи талабга катта таъсир қилиш орқали ЯИМ ҳажмига ва ўсиш суръатига жиддий таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан ҚҚС солиқ юкини тўғри белгилаш ва солиқ маъмурчилигини қўшилган қийматнинг ҳар бир босқичига етиб боришини назорат қилиш орқали унинг занжирини тўлақонли ишлашини таъминлаш иқтисодиётдаги талаб ва таклифнинг мувозанатли ўсиш имконини беради³.

Таклиф томон иқтисодий назариялари товарлар ва хизматлар таклифини кўпайтириш иқтисодий ўсишнинг двигатели эканлигини таъкидлайди. Бундан ташқари, у иш ўринлари яратиш, бизнесни кенгайтириш ва тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш усули сифатида солиқларни камайтиришни ёқлайди. Иқтисодий ўсишнинг ушбу мактаби тарафдорлари фискал сиёсат ялпи талабдан

³ Benzarti, Y., & Tazhitdinova, A. (2019). Do value-added taxes affect international trade flows? Evidence from 30 years of tax reforms. *American Economic Journal: Economic Policy*, 13(4), 469–489. <https://doi.org/10.2139/ssrn.3301101>



фарқли равишда ялпи таклифни оширишга, шу тариқа нархларни пасайтириш билан бирга ишлаб чиқариш ва бандликни кенгайтириш зарурлигини таъкидлайдилар.

Талаб томон иқтисодиёти эса аксинча, ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда талаб муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда истемол харажатларини рағбатлантирувчи солиқ сиёсати иқтисодий ўсишнинг асосий детерминанти эканлигини таъкидлайди. Аммо, иккала назария ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатда барқарор бўлишини таъминлайди деган хулосага келадилар.


Шу сабабдан, давлат ҚҚС юкини тўғри белгилаш орқали мамлакатнинг келгусида юқори иқтисодий ўсишига керакли бўлган инвестициялар учун етарлича жамғармани шакллантириш, шунингдек, жорий давр учун ЯИМ таклифи учун етарлича талабни ҳосил қилиш мақсадида истемолни рағбатлантириши мумкин. Худди шунингдек, Солоу модели солиқ сиёсатини аҳолининг узоқ муддатли турмуш даражасини яхшилаш мақсадида давлатлар жамғариш ва инвестициялар ўртасидаги мувозанатни аҳолининг жорий истемол даражасини максималлаштириш имконини берадиган шаклда ишлаб чиқишни тавсия қилади.

ҚҚСнинг иқтисодиётнинг турли фазаларида юзага келадиган иқтисодий стрессларга қарши курашиш орқали иқтисодий ўсишни барқарорлиштиришдаги ўрни борасидаги қарашлар унинг қисқа муддатда тез мослашувчанлик хусусияти иқтисодий қисқаришлар ёки қизишларни олдини олишда самарали фискал инструмент эканлигини кўрсатади.

Хусусан, иқтисодий қисқаришлар даврида ялпи талабнинг пастлиги сабабли ишлаб чиқаришдаги пасайишни олдини олиш учун истемолни рағбатлантириш учун ҚҚС ставкасини бир марталик ёки маълум бир даврга қадар пасайтириш иқтисодиётни тезроқ тўла бандлик ҳолатидаги барқарор иқтисодий ўсиш суръатига қайтаради. Аксинча, иқтисодий қизиш фазасидаги юқори талаб сабабли ишлаб чиқаришга бўлган босимни камайтири мақсадида ҚҚС ставкасини бир марталик ёки маълум бир даврга қадар ошириш иқтисодиётни иқтисодий портлаш натижасида



юзага келадиган гиперинфляция ва бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олиш имконини беради.



1.1-расм. Иқтисодий фазалар⁴

ҚҚСнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ўрни борасида юқорида келтирилган назарий қарашларнинг қай даражада ўринли эканлигини ўрганиш мақсадида бу йўналишда амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижалари назарий қарашларни қўллаб қувватлайди.

Хусусан, С.Chiricu Европанинг жанубий минтақасида жойлашган 9 та мамлакат доирасида ҚҚСнинг 1996-2017 йиллардаги иқтисодий ўсиш суръатларига таъсирини эконометрик таҳлил қилган. Таҳлил натижалари ҚҚСнинг иқтисодий ўсишга сезиларли ижобий таъсири борлигини аниқлаган. Бундан ташқари, таҳлиллар ҚҚСнинг ҳаддан юқори ставкалари ялпи истеъмолга салбий таъсир кўрсатиб, истеъмолчи даромадларининг камайиши сабаб бўлишини аниқлаган⁵.

Худди шунингдек, С. Acosta-Ormaechea ва А. Morozumi ҚҚСнинг самарадорлик ёки стандарт ставкасини оширилиши иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганиб чиқиб, ҚҚС тушумларининг ўсиши самарадорликнинг ошиши орқали содир бўлганда иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатишини, аксинча бу стандарт ставканинг ошиши орқали амалга оширадиган бўлса иқтисодий ўсишга салбий

⁴ Муаллиф томонидан адабиётлар шарҳи асосида шакллантирилди

⁵ Chiricu, Cosmina-Ştefania. (2019). The Analysis of the Economic Impact of VAT on the Economic Growth in Southern Europe. Review of Economic and Business Studies. 12. 47-56. 10.1515/rebs-2019-0091.



таъсир қилишни аниқлаганлар⁶. Бундан ташқари, ҚҚС ставканинг пасайиши ҳисобига самарадорликнинг ошиши ҳам ўсишни рағбатлантириши аниқлаганлар.

О. Asogwa ва М. Nkolika 2001 йилдан 2009 йилгача бўлган давр оралиғда африка минтақасида жойлашган мамлакатлар иқтисодий ўсиши ва инсон капиталининг ривожланишига ҚҚСнинг таъсирини баҳолаб, ҚҚСнинг юқоридаги икки кўрсаткичнинг ҳам сезиларли даражада оширишини аниқладилар⁷.

Бундан ташқари, В. Hassan ҚҚС даромадлари ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликка қаратилган кенг қамровли адабиётларни ўргани, 1991-92-дан 2011-12-йилгача бўлган даврда Покистонда ҚҚС даромадларининг иқтисодий ўсишдаги ролини эмпирик таҳлил қилиб, ҚҚС соф тушумлари ўсишининг бир фоизга ошиши номинал ЯИМ ўсишининг 0.24 фоизга ошишига олиб келишини аниқлаган⁸.

М. Keen ва В. Lockwood 143 мамлакат га тегишли 25 йиллик даврни қамраб олган маълумотлар тўпламини таҳлил қилиб, ҚҚСни қабул қилиш умумий даромаднинг ЯИМга нисбатан 4.5 фоиз узок муддатли ўсиши билан боғлиқлигини аниқлаган.

Шунингдек, R. Blundell ва бошқалар COVID – 19 пандемияси сабабли юзага келган иқтисодий қисқаришни бартараф этишда ҚҚС имтиёзларининг таъсирини таҳлил қилиб унинг вақтинчалик ҚҚСни пасайтириш истеъмолчининг товарлар ва хизматлар учун тўлайдиган солиқдан кейинги нархларини пасайтириш орқали истеъмолчиларнинг харидларини рағбатлантиради⁹.


S. Suleman ва бошқалар Саудия Арбистонида ҚҚСни жорий қилинган даврдан олдинги ва кейинги даврлардаги иқтисодий ўсиш тенденциясини таҳлил қилиб қуйидаги расмда келтирилган ҳолатни аниқладилар.

⁶ Acosta-Ormaechea, S., Morozumi, A. The value-added tax and growth: design matters. *Int Tax Public Finance* **28**, 1211–1241 (2021). <https://doi.org/10.1007/>

⁷ Asogwa, F. O., & Nkolika, O. M. (2013). Value Added Tax and investment growth in Nigeria: Time series analysies. *IOSR Journal of Humanities and Social Science*, 18(1), 28-31.

⁸ Hassan, Bilal. (2015). The role of value added tax in the economic growth of Pakistan. *International Journal of Public Policy*. 11. 204. 10.1504/IJPP.2015.070554.

⁹ Blundell, R. (2009). Assessing the Temporary VAT Cut Policy in the UK. *Fiscal Studies*, 30(1), 31–38. <http://www.jstor.org/stable/24440144>



1.2 - расм. Саудия Арабитонида ҚҚС жорий этишдан олдинги (а) ва жорий этилгандан кейинги (б) иқтисодий ўсиш тенденцияси.

Расмдан кўриш мумкинки, С. Арабистонида ҚҚС жорий этилгандан кейинги иқтисодий ўсиш тенденцияси бир маромда бўлиб, бу ҚҚСнинг фискал стабилизаторлик салоҳияти юқори эканлигини кўрсатади¹⁰.

Худди шунингдек, Буюк Британия 2008 – 2009 йиллардаги молиявий инқироз даврида истеъмол харажатларини рағбатлантириш мақсадида вақтинчалик пасайтириш чорасини амалга оширган. ҚҚС ставкаси 1 декабр 2008 йилдан 31 декабр 2009 йилга қадар 17.5 фоиздан 15 фоизга камайтирилган бўлиб, бу ўз навбатида иқтисодиётни жонлантиришда ўз самарсини берган¹¹.

Ривожланаётган мамлакатларда ҚҚСни жорий қилиш солиқ тушумларини барқарорлаштиришдаги ўрнини таҳлил қилиш мақсадида О. Ебеке ва М. Ehrhart, 103 та мамлакатдан иборат маълумотлар тўплами асосида ҚҚС мавжуд бўлмаган

¹⁰ Sarwar, S., Streimikiene, D., Waheed, R., Dignah, A., & Mikalauskiene, A. (2021). Does the Vision 2030 and Value Added Tax Leads to Sustainable Economic Growth: The Case of Saudi Arabia? *Sustainability*, 13(19), 11090. <https://doi.org/10.3390/su131911090>

¹¹ Claus, Iris. (2013). Is the value added tax a useful macroeconomic stabilization instrument? *Economic Modelling*. 30. 366–374. 10.1016/j.econmod.2012.08.025.



мамлакатларга қараганда, ҚҚСга эга бўлган мамлакатларда ўртача солиқ тушумларининг барқарорлиги 40-50% юқорироқ эканлигини аниқладилар¹².

Хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) давлат бюджетининг энг йирик ва барқарор даромад манбаси сифатида нафақат молиявий ресурсларни таъминлайди, балки иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва фискал барқарорликни мустаҳкамлаш орқали мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ҳал қилувчи рол ўйнайди. ҚҚСнинг тўғри ва самарали маъмурчилиги орқали инвестиция муҳитини яхшилаш, корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда иқтисодий фаолиятнинг шаффофлигини таъминлаш мумкин. Шунингдек, рақамли технологиялар ва автоматлаштирилган назорат тизимларини жорий этиш орқали ҚҚСдан тушумларнинг барқарорлиги ва фойдаланиш самарадорлигини максимал даражада ошириш имконияти яратилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Benzarti, Y., & Tazhitdinova, A. (2019). Do value-added taxes affect international trade flows? Evidence from 30 years of tax reforms. *American Economic Journal: Economic Policy*, 13(4), 469–489. <https://doi.org/10.2139/ssrn.3301101>
2. Chiricu, Cosmina-Ştefania. (2019). The Analysis of the Economic Impact of VAT on the Economic Growth in Southern Europe. *Review of Economic and Business Studies*. 12. 47-56. 10.1515/rebs-2019-0091.
3. Acosta-Ormaechea, S., Morozumi, A. The value-added tax and growth: design matters. *Int Tax Public Finance* **28**, 1211–1241 (2021). <https://doi.org/10.1007/>
4. Asogwa, F. O., & Nkolika, O. M. (2013). Value Added Tax and investment growth in Nigeria: Time series analysies. *IOSR Journal of Humanities and Social Science*, 18(1), 28-31.

¹² Ebeke, C., & Ehrhart, H. (2011). Does VAT Reduce the Instability of Tax Revenues"? CERDI, Etudes et Documents, E 2011.24



5. Hassan, Bilal. (2015). The role of value added tax in the economic growth of Pakistan. *International Journal of Public Policy*. 11. 204. 10.1504/IJPP.2015.070554.
6. Blundell, R. (2009). Assessing the Temporary VAT Cut Policy in the UK. *Fiscal Studies*, 30(1), 31–38. <http://www.jstor.org/stable/24440144>
- Sarwar, S., Streimikiene, D., Waheed, R., Dignah, A., & Mikalauskiene, A. (2021). Does the Vision 2030 and Value Added Tax Leads to Sustainable Economic Growth: The Case of Saudi Arabia? *Sustainability*, 13(19), 11090. <https://doi.org/10.3390/su131911090>
7. Claus, Iris. (2013). Is the value added tax a useful macroeconomic stabilization instrument? *Economic Modelling*. 30. 366–374. 10.1016/j.econmod.2012.08.025.
8. Ebeke, C., & Ehrhart, H. (2011). Does VAT Reduce the Instability of Tax Revenues"? CERDI, Etudes et Documents, E 2011.24
9. Tax news. URL: <https://taxnews.ey.com/news/2023-0631-worldwide-vat-gst-and-sales-tax-guide-2023>
10. Tax foundation. URL: <https://taxfoundation.org/data/all/global/oecd-tax-revenue-2022/>